



## CREATION OF ECOTOURIST ROUTES AND THEIR SIGNIFICANCE IN ENVIRONMENTAL PROTECTION

*Sadriddin Sh. Siddikov*

*basic doctoral student*

*Research Institute of Environment and Nature Protection Technologies*

*Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Ecological tourism, ecotourism route, route program, radial, environment.

**Abstract:** In this article, the definition of ecotourist route, the requirements for its design and the importance of ecotourist routes in environmental protection are revealed.

**Received:** 21.07.24

**Accepted:** 23.07.24

**Published:** 25.07.24

## ЭКОТУРИСТИК МАРШРУТЛАР ТУЗИШ ВА УЛАРНИНГ АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДАГИ АҲАМЯТИ

*Садриддин Ш. Сиддиқов*

*таянч докторант*

*Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти*

*Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Экологик туризм, экотуристтик маршрут, маршрут дастури, радиал, атроф муҳит.

**Аннотция:** Ушбу мақолада экотуристтик маршрут таърифи, лойиҳалаш учун қўйиладиган талаблар ҳамда атроф муҳит муҳофазасида экотуристтик маршрутларнинг аҳамияти очиб берилган.

## СОЗДАНИЕ ЭКОТУРИСТСКИХ МАРШРУТОВ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ В ОХРАНЕ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

*Садриддин Ш. Сиддиқов*

*основной докторант*

*Научно-исследовательский институт окружающей среды и природоохранных технологий*

*Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Экологический туризм, экотуристический маршрут,

**Аннотация:** В данной статье раскрывается определение экотуристского маршрута, требования к его

программа маршрута, радиал, окружающая среда. проектированию и значение экотуристских маршрутов в охране окружающей среды.

---

### КИРИШ

Туризм соҳаси бугунги замон иқтисодиётида катта аҳамият касб этади, қолаверса, кундан-кунга ривожланиб, янгилашиб бормоқда. Бу эса, инсонларнинг қизиқиш даражаси ва молиявий имкониятларига боғлиқ ҳолда ўзгармоқда. Ўз навбатида, туризмнинг бошқа тармоқлари каби экотуризм соҳаси ҳам йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Бу эса, мазкур соҳа учун янги объектларни топиш ва уларга уюштириладиган маршрутларни лойиҳалаш, мазмунини яратишни тақозо этади.

Мамлакатимизда ҳам янги туристик объектларни топиш ва бунёд этиш ҳамда уларга хорижий ва маҳаллий сайёҳлар жалб қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги ПҚ-21-сонли “Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ҳам бир нечта янги туристик йўналишлар очиш, экохудоуднинг экологик ҳолати ва туризмни ривожлантиришнинг барқарорлигини таъминлаш, экохудоудда ноёб табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генетик фондиди сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, экологик талаблар асосида туризм хизматларини диверсификация қилиш ва хизматлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказиш ва шу каби бошқа чора тадбирлар режаси тузилган.

Халқаро Экотуризм Жамияти (ТИЕС) манбаларида экотуризмга кенг қамровли таъриф берилади, жумладан экотуризм “атроф муҳитни муҳофаза қиладиган, маҳаллий аҳолининг фаровонлигини таъминловчи ҳамда экологик таълим беришни ўз ичига олган табиий ҳудудларга амалга ошириладиган саёҳат” эканлигини таъкидланади[1].

Бугунги кунда экотуризмни хавфсиз, сифатли, арзон ташкил этишда экотуристтик дастурлар ва маршрутларнинг аҳамияти катта ҳисобланади.

“Экотуристтик маршрут” атамаси куйидаги сўзлар йиғиндисидан иборат ҳисобланади. Жумладан латинча “oikos” (яшаш жой ) ”logos” (фан, таълимот) + французча ”route” (юриш)+”marche” яни ҳаракатланиш йўли деб олинган.

Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаевалар (2006) ҳар қандай экотуристтик маршрутлар географик нуқталар бўйича аввалдан белгиланган муайян бир тартибда тавсифланган туристик экскурсия ёки саёҳат йўллари эканлигини таъкидлашади.[2].

Ю.Н.Бешко “...экологик маршрут ёки экологик йўл бу ижтимоий-табиий муҳитнинг турли объектлари орқали ўтадиган, атроф муҳит муҳофази ва табиий фанлар ҳақида билим ва кўникмалар олиш учун мўлжалланган махсус дастурга эга бўлган, аввалдан

режалаштирилган йўл”, деб такидлайди. [1]. Юқоридагилардан кўринадик, экотуристтик маршрутларнинг таърифи ва тавсифи ҳар хилдир.

Бизнингча, экологик маршрут дейилганда, экологик таълим ва тарбия мақсадлари учун махсус имкониятларга эга ҳудудларда амалга ошириладиган ҳамда иштирокчиларга экотизим ва табиий жараёнлар ҳамда ҳодисалар ҳақида маълумот берувчи, экскурсия давомида билим олиш, дам олиб ҳордиқ чиқариш ва табиат гўзаллигидан завқланиш туйғуларини бирлаштирувчи маршрут тушунилади. Шунингдек, саёҳатчиларда атроф муҳитни асраш, муҳофаза қилиш тўғрисидаги ижобий фикрларни шакллантирувчи дастур деб қараш мумкин.

### АСОСИЙ ҚИСМ

**Экотуристтик маршрутлар** муддатига кўра узок муддатли (14-30 кун), бир неча кунлик (1-3 кун) ва бир неча соатлик маршрутларга бўлинади. Узок муддатли экотуристтик маршрутлар асосан меҳнат таътили даврида, одатда ёз фаслида амалга оширилади. Кўпинча мазкур турдаги экотуристтик маршрутлар махсус тайёргарлик талаб этиладиган ҳудудда амалга оширилади. Жумладан тоғ олди ва тоғли ҳудудларда, денгиз, дарё, кўл ва бошқа гидрологик объектларда ҳамда қўриқхона ва миллий боғларда ташкил этилади. Бир неча кунлик экотуристтик маршрутлар ҳафтанинг дам олиш кунларида яшаш манзилидан узок бўлмаган ҳудудларда амалга оширилади. Мазкур маршрутларда қўриқхоналар, сув омборлари, кўллар, яйловлар ва тоғли ҳудудларга саёҳатлар уюштирилади. Энг қисқа даврда амалга ошириладиган бир неча соатлик экотуристтик маршрутлар яшаш манзилига энг яқин ҳудудларда амалга оширилади. Жумладан, музейлар, шаҳар атрофи ўрмон зонаси, истироҳат боғлари, яшаш манзили яқинидаги гидрологик объектлар – каналлар, ҳовузлар, дарё соҳиллари ва бошқа объектлар қисқа даврлик маршрутлар учун саёҳат манзили сифатида хизмат қилади

**Туристтик маршрутлар ҳаракатланиш воситасига кўра** пиёда, ишчи ҳайвонларда (от, ит, туя, эшак, буғу ва бошқалар) ва техник транспорт воситаларида амалга оширилиши мумкин. Ишчи ҳайвонлар ҳудуднинг релефи ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб танланади. Масалан, қумли чўлларда туяларда, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда отда сайр қилиш туризмни ривожлантириш мумкин бўлади. Кўп йиллик музлок ерларда ҳамда совук иқлимли мамлакатларда ит ва буғуда сайр қилиш, жанубий ва жануби-шарқий осие мамлакатларида филда саёҳат қилиш туристларга қизиқиш ва унутилмас таассуротларни олиш имкониятини беради.

Экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқиш жараёнида жуда кўплаб омиллар инобатга олиниши керак бўлади. Мамлакатимизда экотуристтик маршрутлар ишлаб чиқишда

Н.Т.Шамуратова, Ш.Т.Якубжанова, И.С.Тухлиев, Ш.Ғ.Шомуродоваларнинг илмий изланишлари салмоқли ҳисобланади[4].

Экотуристик маршрутлар ишлаб чиқишда ўзига ҳос бўлган бир нечта принциплар мавжуд. Р. Хайитбоев (2018) экотуристик маршрутлар ишлаб чиқишни қуйидаги 7 та принцип асосида амалга ошириш керак, деб ҳисоблайди[5].

1. Экотуризм маршрутларидаги жозибадорлик, бетакрорлик принципи.
2. Сайёҳлар учун имкониятларнинг яратилганлиги принципи.
3. Мазмундорлик принципи.
4. Фаолиятлилик принципи.
5. Кўпқирралик, кўп вариантлилик принципи.
6. Экотуризм маршрутларида қулайлик принципи.
7. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда ахборотга эга бўлишлик.

*1. Экотуристик маршрутдаги жозибадорлик ва бетакрорлик принципи.*

Инсонларнинг sanoat ривожланган, урбанизациялашган, экологик ҳолат муаммоли(атмосфера ифлосланиши, ҳудудлардаги яшил майдонларнинг камайиши) бўлаётган ҳудудларда яшаши уларни тоза ҳаволи ҳамда хушманзара бўлган табиат қўйнига интилишини оширмасдан қолмайди. Ушбу принцип асосида ишлаб чиқиладиган маршрутлар ҳудудлардаги ўсимликларнинг гўзал манзара касб этган вақтига тўғри келади. Чорвоқ эркин туристик зонаси ҳудудида мазкур принцип асосида туристик маршрутлар тузиш учун ресурслар етарлича мавжуд. Пикник ҳудудлар, баҳор фасли бошларида гуллайдиган ўсимликлар, айниқса лолазорлар, Чорвоқ сув омбори атрофида жойлашган виев поинт зоналар бунга мисол бўла олади.

*2. Сайёҳлар учун имкониятларнинг яратилганлиги принципи.* Ушбу принцип, асосан, муҳофаза этиладиган ҳудудларда туристик фаолиятни амалга оширмоқчи бўлган сайёҳлар учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур принципга кўра муҳофаза этиладиган ҳудудларга киришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилганлиги, ҳудудда сайёҳлар учун тунаб қолиш, овқатланиш, ҳордиқ чиқариш имкониятларининг мавжудлиги, ҳаракат давомида маҳсус сўқмоқ йўлларнинг маршрут харитасида мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

*3. Мазмундорлик принципи.* Мазкур принцип экотуристик маршрутнинг асосий принципларидан бири бўлиб, маршрут якунида сайёҳлар олдиндан кўзланган мақсадига етиши керак бўлади. Экотуристик маршрутда саёҳатчилар ёши, даромади ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб саёҳатдан олдин ўзларига маълум бир мақсадни қўяди. Масалан, табиат қўйнида ранг-баранг ўсимликлар билан қопланган ҳудудларда саёҳат қилиб руҳий ва жисмоний жиҳатдан дам олишни, ёки рельефи мураккаб бўлган ҳудудларда экстремал шароитларда ҳаракатланиш орқали манзарали ҳудудларга треккинг қилиш. Шунингдек,

саёҳатчилар табиати шифобахш хусусиятга эга бўлган масканларда дам олиб, соғлигини тиклаш, табиий генофонд сақланган кўриқхоналарда кузатиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш, Қизил китобга киритилган ва камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сураатга ва видеотасвирга олиш ва бошқа мақсадларни олдига қўяди.

4. *Фаолиятлилиқ (маршрутнинг давомийлиги) принципи.* Ушбу принцип экотуристлик маршрут дастурларини қанча муддатга мўлжалланганлиги, ҳаракатланиш вақтлари, тушлиқ вақтлари ва жойларда тўхташ мумкин бўлган ҳудудларга эътибор беришни талаб қилади. Фаолиятлилиқ принципида маршрутларнинг йил фасллари алмашунувига мос равишда ўзгартириб туриш муҳим ҳисобланади. Сабаби, кўплаб экотуристлик маршрутлар мураккаб рельефли ҳудудларда амалга оширилади. Шу сабабли ёз ва қиш мавсумларида маршрутнинг давомийлиги, ҳафвсизлик масалалари турлича бўлади.

5. *Кўпқирраллик, кўп вариантлилиқ принципи.* Экотуристлик маршрутларда сайёҳлар сони ва даромадни ошириш мақсадида ушбу принцип орқали маршрут ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўпқирраллик принципи асосида экотуристлик маршрутларда қуйидаги танловлар кўп қўлланилади.

- Қуруқликда амалга ошириладиган экотуристлик маршрутлар
- Ҳаво транспорти ёрдамида амалга ошириладиган экотуристлик маршрутлар
- Сув транспорти ёрдамида амалга ошириладиган экотуристлик маршрутлар
- Аралаш турдаги экотуристлик маршрутлар

Юқорида келтирилган турлар ҳудудлардаги экотуристлик ресурслар, инратузилма объектлари ва ҳудуднинг кўлампидан келиб чиққан ҳолатда амалга оширилади. Ушбу маршрутнинг мазмуни бевосита унинг давомийлигидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади.

6. *Экотуризм маршрутларида қулайлик принципи.* Экотуристлик маршрут ишлаб чиқишда минимум ҳамда оптимум шароитларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Маршрутларда минимум ва оптимум шароитларни ўрганиб чиқишда қулайлик принципи муҳим ҳисобланади. Мазкур принципга кўра трансфер амалиётлари, овқатланиш сифати ва ҳаражатлари, тиббий хизматнинг мавжудлиги, турли хил кўнгилочар дастурларнинг мавжудлиги ва шу каби хизмат кўрсатиш тармоқларининг минимум ва оптимум шароитларини ишлаб чиқилади.

7. *Ekoturizm marshrutlarini ishlab chiqishda axborotga ega bo'lishlik prinsipi.* Marshrut davomida hududdagi tabiiy, ijtimoiy, madaniy obyektlar to'g'risidagi ma'lumotlar(foto, video tekst)ning mavjudligi turistlarda qiziqish uyg'otishda muhimdir.

Экотуристик маршрутларни ташкил этиш ва олиб боришда В.С.Волков, К.Э.Шапакиналар (1985) сайёҳларнинг имкониятлари ва экскурсиянинг мураккаблигига, географик йўналишига қараб, уларни 3 турга ажратилади.

**Бир тўғри чизикли** – мазкур маршрутда иштирок этаётган сайёҳлар кўплаб сумка ва юкларни йиғишни ва очишни ёқтирмайдиган тоифадаги инсонлардан иборат бўлади. Бунда маршрут иштирокчиси ёки иштирокчилари бир тўғри чизикда жойлашган туристик объектлар(меҳмонхона, меҳмон уйлари ва бошқалар)да истиқомат қилади ва саёҳатларни амалга оширади. Туристтик маршрут давомида саёҳатчи тўхташ нуқталари атрофидаги объектларга саёҳат қилади.

**Радиал ёки стационар** – танлаб олинган сайёҳлик марказидан ёки экскурсия мақсадли турар жойдан радиал ҳаракатланиш орқали амалга ошириш мумкин. Бунда ташриф буюрилган ҳудудларда бир ёки икки кун тунаб қолиш назарда тутилади.

**Айланма** – бунда асосан саёҳат бошланадиган нуқта билан саёҳат тугаш нуқтаси бири бирига тўғри келиши ва саёҳат давомида бир нечта объектларга саёҳат қилиш назарда тутилади[6].

Экотуристик маршрутлар белгиланган вазифаларига кўра ҳам бир неча гуруҳларга ажратилади. Жумладан, маршрутлар илмий, табиий фанларни ўрганиш, саргузашт, атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби вазифаларни бажаришига кўра бир-биридан фарқ қилади[7].

**Илмий экотуристик маршрутлар.** Мазкур маршрутлар халқаро ва маҳаллий кўламда амалга оширилади. Бунда айрим ўсимлик ва ҳайвон турларининг тарқалиши, яшаш шароити ҳамда табиий ҳодисаларни кузатиш, таҳлил қилиш орқали илмий янгиликларни аниқлаш мақсад қилинади. Кўпинча, бундай маршрутларда ноёб қуш турларини ва геологик ва геоморфологик жараёнларни кузатиш ва таҳлил қилиш мақсад қилинади.

**Табиий фанларни ўрганиш.** Ушбу маршрут асосан 30 ёшгача бўлган тоифадаги саёҳатчилар учун ишлаб чиқилади. Бунда муҳофаза этиладиган ва унинг атрофидаги ҳудудлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги дастлабки тушунчаларни бойитиш, маҳаллий аҳоли маданияти, урф-одати билан таништиришни мақсад қилинади.

**Саргузашт.** Мазкур экотуристик маршрутларда, кўпинча, комплекс туристик фаолият турлари қамраб олинади. Жумладан, пикник, кемпинг, спорт, гострономик, алпинизм, пиёда сайр қилиш каби турлардан фойдаланилади. Экотуристик маршрутнинг мақсади табиатнинг гўзал манзарасидан баҳраманд бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан тикланиш ҳисобланади.

**Атроф муҳитни муҳофаза қилиш.** Маршрут соф экологик туризм вазифасини бажаради. Саёҳат давомида экотизм муҳофазаси, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-

иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бошқа турдаги экологик таълим бериш вазифаларини бажаради.

Шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолида экологик таълимни ривожлантириш ҳамда экотуристик маршрут жозибadorлигини оширишда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

1. Табиий географик жараёнларни кузатишга асосланган тажрибаларнинг экотуристик маршрутларда мавжудлиги. Маршрут иштирокчиларининг географик, экологик, биологик билимларини мустаҳкамлашда, амалий жиҳатдан тажриба ва кўникмаларни олишларида айни муддао бўлади.

2. Экологик барқарорликни таъминлаш учун зарур дастурларнинг мавжудлиги. Экотуризмнинг атроф муҳитга таъсирни камайтириш ва табиий ресурсларни узоқроқ муддат сақлашни таъминлашга қаратилган чора тадбирларнинг мавжудлиги мазкур экотуристик маршрутнинг узоқ вақт давомида ривожланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади.

3. Экотуристик маршрут давомида маҳаллий аҳоли вакиллариининг иштирокини таъминлаш орқали маданий алмашинувни амалга ошириш саёҳатчилар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги боғламнинг вужудга келтиради.

4. Экотуристик маршрутнинг экологик таълим берувчи жиҳатларининг мавжуд эканлиги. Бунда экотуристик маршрутда иштирок этувчиларда табиатни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хиллик ва экологик барқарорлик ҳақида маълумот бериш асосий вазифа қилиб белгиланиши керак.

Экотуристик маршрутлар миллий боғ, музей, ҳайвонот боғи, қўриқхоналар биосфера резерватлари ва бошқа турдаги рекреацион объектлар жойлашган ҳудудларда амалга оширилади. Муҳофаза этиладиган ҳудудларда экотуристик маршрутлар ишлаб чиқишда Н.Т.Шамуратова (2012) асосий йўналишлар сифатида 5 та йўналишни келтиради:

1. Илмий экологик туризм - илмий муассасалар ва мутахассислар (зоологлар, энтомологлар, ботаниклар ва ҳ.к.) учун. Олдиндан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

2. Умумтаълимий экологик экскурсиялар – фақатгина махсус участкаларда амалга оширилади. Ушбу йўналиш маҳаллий ташриф буюрувчиларга мўлжалланган.

3. Болалар учун мўлжалланган экотурлар – имтиёзли категория. Ҳар йили бепул ташкил этиладиган экологик лагер, қўриқхонага ёрдам берувчи болалар учун.

4. Юқори даромадли аҳоли учун ёки коммерцион экскурсиялар –ташкilotга фойда келтирувчи, яъни хизмат кўрсатиш одатдан ташқари 20% га қимматлаштирилган турлар. Қўриқхона режимига тўғри келмайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди.

5. Саргузашт экотурлар – якка (индивидуал) мижозлар билан ишлаш шакли. Коммерцион экскурсиялардан фаркли равишда мижознинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, муайян белгиланган ҳудудлардаги маршрутлар [8].

Экотуристтик маршрутларни тузиш жараёнида унинг узоқ йиллар давомида оммавий бўлиб туриши учун қуйидаги жиҳатларга этибор бериш керак бўлади.

- Экотуристтик маршрутлар қизиқарли, сайёҳларни ўзига жалб қилувчан бўлиши керак. Бунда маршрут ўз ичига табиатнинг гўзал, ўзига хос жойлари билан бирга тарихий ва маданий ёдгорликларга қилинадиган саёҳатларни ҳам камраб олиши керак.

- Экотуристтик маршрутнинг оммавийлиги. Бунда саёҳатчилар учун ёш чегарасидан ҳамда оилавий шароитидан келиб чиқиб маҳсус гуруҳларга бўлиш, туристларнинг маълум бир қоидалар ва тадбирларни бажаришларида мажбуриятнинг йўқ эканлиги, танланган маршрутнинг йирик транспорт йўлларига узоқ-яқинлиги алоҳида аҳамият касб этади.

- Туристлар саёҳат давомида ахборот билан танишиш имкониятининг мавжуд эканлиги. Бунда туристларнинг асосан география, геология, биология, экология ва бошқа фанлар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш имкониятининг борлиги, экотуристтик маршрутнинг бошқа маршрутлардан фаркли эканлигини кўрсатади.

Экотуристтик маршрутлар сайёҳлар учун табиат билан боғланиш, турли маданиятлар билан танишиш ва экотизимларни сақлашга ҳисса қўшиш учун имкониятлар тақдим этади. Экотуристтик маршрутларнинг фойдали жиҳатлари кўп. Экотуристтик маршрутларда иштирок этувчилар экотизимларни, биологик хилма-хилликни сақлаш орқали атроф муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, экотуризм ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшади, маҳаллий ташкилотларни даромад ва иш билан таъминлайди, шу билан бирга маданий меросни сақлайди ва бошқа маданиятларни тушунишда ёрдам беради.[9]

Туризм соҳасида кўпчилик тур фирмалар экологик ва ижтимоий оқибатларни ҳисобга олмаган ҳолда иқтисодий фойдани биринчи ўринга қўяди. Натижада, экологик ва ижтимоий муаммолар пайдо бўлади. Экотуристтик маршрутларнинг асосий вазифаларига атроф муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий ҳамжамиятларни қўллаб-қувватлаш, экологик таълимни ривожлантиришга қаратилган.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, тузилаётган экотуристтик маршрутлар натижасида қуйидаги ютуқларга эришиш мумкин:

1. Маршрут давомида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ривожлантириш, заиф экотизимлар муҳофазасига алоҳида урғу берилади.



2. Маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар ўртасида хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллий урф-одатларни тарғиб қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин.

3. Сайёҳлар ўртасида атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар ҳақида тарғиботлар ўтказиш орқали экологик таълимни ривожлантириш имкониялари яратилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бешко Н.Ю. Экологическая тропа. Методическое пособие для учителей. - Ташкент, 2010.- 53 с.

2. Н.Тухлиев, Т. Абдуллаева Экологический туризм сущность тенденция и стратегия развития Т., 200 ст.

3. What is an Ecotourism Destination? | Tourist secrets

4. Ш. Якубжонова З. Аманбоева Г. Сапарова Possibilities of organizing agro-touristik routes in the Fergana Valley, Uzbekistan.

5. Р. Хайитбоев. Экологик туризм Тошкент 2018 226-229 б

6. О.Х. Ҳамидов, А.Н. Норчаев Экотуризм Т.2011 93-б.

7. Д.Х. Ҳолматов Возможности развития маршрутов экотуризма в навоийской области республики узбекистан "Экономика и социум" №4(119) 2024

8. Н.Т Шамуратова Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экотуризм. Ўзбекистон география жамияти ахбороти 50-жилд 72- бет.

9. Mountain Protected Areas and Ecotourism for Sustainable Development: A Case Study of Ecuador Renato Chavez- Velazquez DOI:[10.1007/978-3-031-13298-8\\_21](https://doi.org/10.1007/978-3-031-13298-8_21) Montology Palimpsest (pp.375-396) [Carlos Renato Chávez Velásquez](https://doi.org/10.1007/978-3-031-13298-8_21)